

“是” [shì] НИНГ ГРАММАТИК САТХ ЭЛЕМЕНТИ СИФАТИДА ҚЎЛЛАНИЛИШИГА ОИД АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

А.Тўхтамишев – докторант

Самарқанд давлат чет тиллари институти

Таянч сўзлар: сифат (形容词), олмош (代词), от (名词), феъл (动词), боғловчи (连词), ёрдамчи сўз (助词), эга (主语), кесим (谓语), тўлдирувчи (宾语), аникловчи (定语), ҳол (状语).

Ключевые слова: прилагательное, местоимение, существительное, глагол, связующее, вспомогательное, подлежащее, сказуемое, дополнение, определение, обстоятельство.

Key words: adjective, pronoun, noun, verb, connective, auxiliary, subject, predicate, object, definition, modifier.

“是” [shì] боғламасининг морфологик сатҳда қўлланилиши. “是” [shì] - бўлмоқ феълнинг хитой тилида қўлланилиш ҳолати турли даврларда турлича бўлган. Қадимги хитой тилида мавжуд бўлган “是” [shì]нинг айрим вазифалари замонавий хитой тилида йўқ бўлиб кетган, ёки аксинча, замонавий хитой тилида пайдо бўлган янги вазифалари қадимги хитой тилида учрамайди. Замонавий хитой тилининг ёзма ва оғзаки шаклида “是” [shì]нинг ишлатилиш қўлами анча кенг бўлиб, унга оид қатор илмий тадқиқотлар олиб борилган. Бу тадқиқотларнинг айримларида “是” [shì]ни гап бўлаги сифатида тавсифланган бўлса, бошқаларида грамматик компонент сифатида қаралган. “是” [shì]ни тўлиқ англаб, тушуниб, керакли жойда тўғри қўллай олиш учун тил ва нутқ ўртасидаги боғланишларни англаш лозим бўлади.

Биз аввал “是” [shì]нинг турли сўз туркумлари вазифасида қўлланиш ҳолатини тадқиқ қилишга ҳаракат қиламиз.

I. “是” сифат сўз туркуми сифатида:

1) “Тўғри” деган маънони ифодалашда ишлатилади. Масалан, 实迷途其未远, 觉今是而昨非. Адашиш узоқ эмас, англадимки, бугун тўғри, кеча нотўғри. (Изох: Ҳақиқатда йўлдан адашиш узоқ эмас, англадимки бугунги кун тўғри, кечаги кун нотўғри)

2) “Ҳар бир, ҳамма, ҳар қандай” маъноларини ифодалаш учун ишлатилади. Масалан: 是个有良知的人都会这么做. - Ҳар бир виждонли инсон бунга бажара олади; 是学生就要用心学习. - Талабаларнинг барчаси чин кўнгил билан илм олишлари керак.

II. “是” олмош сўз туркуми сифатида.

“Бу” маъносини ифодалашда ишлатилади.

1) “当是时, 妇手拍儿声, 口中呜声, 儿含乳啼声, 大儿初醒声, 夫叱大儿声, 一时齐发, 众妙毕备.”² Бу пайтда, аёлнинг гўдақларини қўллари билан юпатишлари, майин овозда уни эркалайётган овози, гўдакнинг йиғи аралаши онасини эмаётгандаги овози, катта болаларнинг энди ўйкудан ўйгонгандаги инжикликлари, эркакларнинг баланд овозда болаларга бақиришлари, буларнинг барчаси бир вақтнинг ўзида жуда ажойиб ҳолда уйғунлаштирилиб тасвирланган;

“是日更定, 余拿一小舟, 拥毳衣炉火, 独往湖心亭看雪.”³

“Бу куннинг ўзгариши билан, устимга мўйнали кийимимни кийиб, ўзим билан кичик печкачани олиб, кичик қайиққа ўтирдиму, ёғайётган қордан бахраманд бўлиш учун қўл ўртасига қараб йўл олдим. Бу гапда қўлланган “是” “бу” маъносини ифодалаб келаяпти.

III. “是” от сўз туркуми сифатида:

1) Расмий хизмат фаолиятига доир матнларда ишлатилади. Масалан, 范曄 нинг 后汉书 桓谭列传 асарида шундай жумла бор: “君臣不合, 则国是无从定矣” – “Ҳокимият ва халқ мос бўлмаса, давлат ишлари бир маромда кетмайди”.

“国事” ва “国是” омонимлар, иккаласи ҳам от сўз туркумига қиради ҳамда “давлат иши, давлат ишига доир, расмий” деган маъноларни англатади. Шу билан бирга фарқли томонлари ҳам мавжуд:

А. Иккаласининг ишлатилиш вазияти ҳар хил, “国事” давлат учун жуда аҳамиятли бўлган ишларни ва

давлатнинг одатдаги ишларини ифодалашда ишлатилади; “国是” давлат қарорларини ҳамда муҳим режаларини ифодалашда қўлланилади.

Б. Фойдаланиш объекти ҳар хил, “国事” давлат ички ва ташқи ишлари баёни вазиятларида ишлатилади, масалан, “国事访问” “Давлат ишлари бўйича расмий ташириф” яъни давлат раҳбарининг таклиф қилинган меҳмонлар билан расмий учрашуви; “国是” эса фақатгина ўша давлатнинг ишларига алоқадор ишларда қўлланилади:

在我国, 人民代表大会是人民行使国家权力的机构, 全国人大代表到北京参加全国人民代表大会就是“共商国是” - Халқ вакиллари мажлиси кенгаши халқ давлат ҳокимиятини амалга оширадиган орган ҳисобланади. Мамлакатдаги барча вакиллари ушбу мажлисга қатнашиш учун Пекингга келиши “共商国是” дейилади.

Улар нутқда қўлланилиш ҳолати бўйича фарқланади, “国事” кўпроқ оғзаки нутқда ишлатилса, “国是” ёзма нутқда ишлатилади “疏上, 夺俸一年 呜呼! 国是所曰往在如此矣” Императорга хурматсизлик қилиш, бир йиллик маошдан айрилишидир! Ууух! Давлат сиёсати шундай.

Бундан ташқари гапдаги грамматик вазифаларида фарқли томонлари бор. Иккаласи ҳам от сўз туркуми ҳисобланиб, гапда эга, тўлдирувчи вазифасида келади, лекин “国事” гапда аникловчи вазифасида ҳам келиши мумкин. Масалан, “国事访问” “Давлат ишлари бўйича расмий ташириф”. “国是” эса аникловчи вазифасида келмайди.

IV. “是” гапда равиш вазифасида ҳам келади:

1. Бунда “Тасдиқлаш” маъносини ифодалаб, гапда белгисиз қўлланилиши ҳам мумкин. Масалан, 我的论文肯定满分吧? 我就是问, 没别的意思 (Wǒ dì lǐnwén kěndìng mǎnfēn ba? – Менинг диплом ишимга албатта энг юқори балл қўйилгандир? Мен шунчаки сўрадим, бошга ҳеч нарсаси).

2. “Йтоат этмот”, “Рози бўлмоқ” маъноларини ифодалайди. Масалан, 长官: “你的任务结束去叫下一个同志进来。” Офисер: “Сенинг вазифанг тугади, навбатдагини чақир”. 兵: “是”. (Шибінг: “Ші”) – Солдат: “Хоп”; А: “你去外边等我”. Б: “是!” – А: “Сен ташиқарига чиқиб мени кут”. Б: “Хўп!”

V. “是”нинг феъл вазифасида келиши.

1. 认为……正确 (“Тўғри деб ҳисобламоқ”) маъносини ифодалаб келади. Масалан, “是己而非人, 俗之同病”⁵. Изох: 认为自己是正确的, 认为别人是错误的, 这是世俗的通常毛病 – Ўзини ҳақман деб ҳисоблаш, бошқаларни эса ноҳақ деб ҳисоблаш, бу дунёда кўп учрайдиган энг катта камчиликдир.

2. “Текшириш” маъносини ифодалаб келади. Масалан, 是正 Ҳозирги замонавий хитой тилида “текшириш” маъноси 订正, 校正 оркали ифодаланади.

3. Боғловчи бўлиб хизмат қилади. Масалан, 我是撒马尔罕国立外国语学院的学生 – Мен Самарқанд давлат чет тиллар институти талабасиман.

4. “Бор бўлмоқ”, “Мавжуд” маъноларини ифодалайди. Масалан, 我的对面是各位论文考核老师 – Менинг рўпарамда диссертацияни баҳолайдиган ўқитувчилар бор.

² 林嗣环《口技》

³ 明·张岱《湖心亭看雪》

⁴ 明·黄道周《竹溪袁公传》

⁵ 刘开《问说》

5. “Ён бермоқ”, “Паст кетмоқ” маъноларини ифода-
лаб келади: 大家都中五百万了, 下一个应该是我了吧
(大家都中五百万了, 下一个应该是我了吧) – Ҳамма беи милли-
ондан ютди, кейингиси албатта мен бўлишим керак.

6. “Ўхшамоқ” маъносини ифодалаб келади, бунда
гапларда метафорик ўхшатиш усулидан фойдаланила-
ди. Масалан, 她是夜明珠, 暗夜里, 放射出灿烂的光芒. У тунги
марвариддир, қоронғуда ҳам ёруғ нур таратади;
村长是我们的领头羊, 带领大家奔小康 – Қишлоқ оқсоқали биз-
нинг йўлбошимиз, у бизни фаровон ҳаёт томон
бошлайди.

VI. “是” ёрдамчи сўз бўлиб ҳам келади, тўлди-
рувчини кесимдан олдин келишига замин яратади. Ма-
салан, 唯图 (факат фойдага интиломоқ), бу ерда 唯
(факат) – равиш, 利 (фойда) – тўлдирувчи, 图 (интил-
моқ) – кесим ҳисобланади. Эътиборлиси, хитой тили
гап структурасида аввал кесим кейин эса тўлдирувчи
келади, яъни гап шакли аслида 唯图利 бўлиши керак,
лекин 是 орқали тўлдирувчи кесимдан олдин келаяпти.
Бошқа бир мисол, 唯命是从 (факат буйрукка бўйсун-
иш) олайлик. Бу ерда 唯 (факат) – равиш, 命 (буйрук) – тўл-
дирувчи, 从 (бўйсуниш) – кесим. Гапнинг асл шакли
唯从命 деб олсак, 是 орқали 命 дан олдин келаяпти. Бу
ҳолат асосан қадимги хитой тилида учраган, ҳозирги
замонавий хитой тилида бунақа ҳолат деярли
учрамайди.

Хитой тилидаги “是” боғламаси синтантлик жиҳатдан
ранг-баранг қўлланилади. Жумладан, у эга, кесим,
тўлдирувчи, аниқловчи, ҳол каби гап бўлаклари
вазифасида кела олади.

“是” [shì] боғламасининг синтактик сатҳда
қўлланилиши. Хитой тилида сўзлар турли гап бўлаги
вазифасини бажариб келади, уларнинг қайси гап бўлади
вазифасида келишига қараб, маънолари ҳам турлича
бўлади. Куйида биз “是” боғламасининг турли гап
бўлаклари вазифасида келиши ҳақида фикр юритамиз.

I. “是” боғламасининг эга (主语) вазифасида қўлланилиши:

Қадимги хитой тилида “是” боғламаси гапда кўрса-
тиш олмоши вазифасида қўлланилган, “此” (ўқилиши -
“cǐ”, таржимаси - “бу”) билан бир хил маънони англат-
ган. Одатда “是” дарак гапларда боғлама бўлиб келиб,
эга вазифасида келади. Масалан,

1. 是社稷之臣也 [shì shèjì zhī chén yě] - Бу давлат
амалдори.

Чин сулоласи давридан олдин “是” дарак гапларда
боғлама сифатида қўлланмаган. Баъзида боғламага
жуда ўхшаш ҳолда учраган бўлса-да, лекин у аслида
кўрсатиш олмоши вазифасида ишлатилган. “是” қачон
боғлама сифатида шаклланган деган саволга
тўхталадиган бўлсак, бизнингча “是” Чин сулоласи
давридан олдинги даврда боғлама сифатида сифатида
шакллана бошлаган, Хан сулоласи даврига келиб еса
тўлиқ шаклланган. “是” нинг боғлама сифатида
ишлатилиши, унинг кўрсатиш олмоши сифатида
қўлланилишидан келиб чиққан [1:56].

2. 此必是豫上也 [cǐ bì shì yù shàng] - Бу албатта Ю ранг.

Қадимги хитой тилида “是” боғлама сифатида деяр-
ли ишлатилмаган, буни қадимги ва замонавий хитой
тилининг бир-биринан фарқ қилувчи томони десак
адашмаган бўламиз. Хитой тили ривожланиб борган
сари “是” нинг кўрсатиш олмоши сифатида қўлланили-
ши йўқолиб борган, ва аксинча, унинг боғлама сифати-
да қўлланилиши сезиларли даражада кўпайиб борган.

Адабиётлар

1. , Wang Li “The copula in Chinese grammar” 1937.
2. “论语季氏”, Xitoy. Eramizdan avvalgi 22-770.
3. 豫让 “史记刺客列传”, Xitoy. Eramizdan avvalgi 104.
4. 夏征农主编辞海 [M]. 上海: 上海辞书出版社 1979.
5. 刘宝琳探析《论语》中“是”的用法及其发展流变[J]. 白城师范学院学报. 2007.
6. 高级汉语大词典 [M]. 上海: 商务印书馆 1998.
7. 吕叔相中国文法要略 [M]. 北京: 商务印书馆 1982.
8. 马建福马氏文通 [M]. 北京: 商务印书馆 1983.
9. 黎锦熙新著国语文法 [M]. 北京: 商务印书馆 2000.
10. 高名凯汉语语法论 [M]. 北京: 商务印书馆 1986.

II. “是” боғламасининг кесим (谓语) вазифасида
қўлланилиши.

Гарчи “是” гапда кесим вазифасида қўлланса-да, ле-
кин боғламани ифодалаб келади. Эга ва тўлдирувчи
ўртасидаги боғловчи компонент бўлиб хизмат қилади.
Бундай гапларда эга ва тўлдирувчи икки хил усулда
боғланади.

1. O‘zaro bog‘lashuv: 哈尔滨是黑龙江省会 [Hā’ěrbīn shì
hēilóngjiāng shěnghuì] Ҳарбин Хейлонгжианг провинси-
ясининг пойтахти; 我是这篇论文的作者 [Wǒ shì zhè piān
lùnwén de zuòzhě.] - Мен ушбу мақоланинг муаллифиман.

Боғлама иштирок этган бундай гапларда одатда от,
олмош, сон, отли бирикма эга ва тўлдирувчи вазифаси-
ни бажариб келади, эга ва тўлдирувчи бир хил харак-
терга эга бўлади. Бир-бири билан тенг муносабатда
боғланганлиги боис, ўзаро тенг компонент ҳисобланади.

2. Тобе боғланиш (эга тўлдирувчининг бир түри ёки
қисми бўлиб келади): а) 我是恒星学院的学生 [Wǒ shì hé-
ngxīng xuéyuàn de xuéshēng] - Мен Хенгсинг институ-
тининг талабасиман; б) 哈尔滨是省会城市 [Hā’ěrbīn shì
shěnghuì chéngshì] - Ҳарбин провинциянинг пойтахт
шаҳри.

Боғлама иштирок этган бундай гапларда одатда от,
отли бирикма эга вазифасида келиб, эга ва тўлдирувчи
тобе боғланади, улар тенг компонент ҳисобланмайди.

Бундан ташқари “是” боғламаси куйидаги ҳолатлар-
да ҳам учрайди:

3. “Бор бўлмоқ” (“存在”) маъносини ифода-
лайди. Гапда шахс ёки предметнинг мавжуд эканлигини
билдиради: а) 门外全是等着答辩的人 [Mén wài quán shì
děngzhe dábiàn de rén] - Эшик олди диплом ҳимоя
қилувчи одамлар билан тўла; б) 动物园展出的都是日常生活中少见的动物 [Dòngwùyuán zhǎn chū
de dōu shì rìcháng shēnghuó zhōng shǎo jiàn de dòngwù] -
Ҳайвонот боғида кўрсатилган барча ҳайвонлар ҳаётда
кам учрайдиган ҳайвонлардир.

4. “Кўринмоқ”, “бўлмоқ” (“呈现”) маъноларини ифо-
далайди: а) 广场上是一片欢腾的气氛 [Guǎngchǎng shàng shì
yīpiàn huānténg de qìfēn] - Майдонда шодлик муҳити
ҳукмрондек кўринмоқда; б) 新年里是一片祥和喜庆的气氛 [Xīnnián lǐ shì yīpiàn xiánghé xǐqīng de qìfēn] - Янги йил-
да байрамона кайфият бўлмоқда.

III. “是” боғламаси гапда сифат бўлиб келиб, “正确”-
“тўғри”, “ҳақиқий”, “对”- “тўғри” (“错”- “хато”нинг ан-
тоними) маъноларини ифодалаб келади. Бундай ҳолда
“是” гапда тўлдирувчи, аниқловчи ва бошқа гап бўла-
клари вазифасида келади: а) 这件事你做得是 [Zhè jiàn shì nǐ
zuò de shì] - Сен бу ишни тўғри бажаргансан; б) 他觉得很
是 [Tā shuō de hěn shì] -Сен жуда тўғри гапир-
динг; с) 你也该向他赔个不是 [Nǐ yě gāi xiàng tā péi gè bùshì]
- Сен хатойинг учун ундан кечирим сўрашинг керак.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, асрлар давомида
“是” боғламасининг узлуксиз ривожланиб бориши
унинг қадимги ва замонавий хитой тилида қўллани-
лиши борасида тавафутлар келтириб чиқарди. Яъни
унинг қадимги хитой тилидаги синтактик вазифаси
замонавий хитой тилида йўқолиб кетган, ёки аксинча,
замонавий хитой тилида учрайдиган айрим синтактик
вазифалари қадимги хитой тилида учрамайди. “是”
боғламасини ўрганиш жараёнида биз нафақат унинг
қадимги ва замонавий хитой тилидаги қўлланилишини
тўлиқ англашимиз, балки нотўғри қўлламаслик учун
фарқларини ҳам яхши билишимиз зарур.

РЕЗЮМЕ. Ушбу мақола хитой тилидаги “是” [shì] – боғламсининг гапдаги иштироки таҳлилига доир. “是” [shì] феъли қадимги хитой тилида гапда турли вазифаларни бажариб келган, лекин замонавий хитой тилида унинг қўлланилиш доираси қисқарган. Мақолада “是” [shì] феълининг морфологик ва синтактик бирлик сифатидаги тадқиқи амалга оширилган.

РЕЗЮМЕ. Данная статья посвящена анализу употребления глагола «是» [shì] в китайском языке. В древнекитайском языке широко использовалось «是» [shì], то есть оно выполняло различные функции в речи. Однако сфера его использования в современном китайском языке ограничена. Учитывая разнообразие его функций, в этой статье мы рассмотрим «是» [shì] как морфологическая и синтаксическая единица.

SUMMARY. This article is devoted to the analysis of the use of the verb “是” [shì] in the Chinese language. In ancient Chinese, “是” [shì] was widely used, that is, it performed various functions in speech. However, the scope of use in modern Chinese is limited. Given the variety of its functions, in this article we will look at “是” [shì] as part of speech and syntactic.

УГОЩЕНИЕ КАК КОГНИТИВНАЯ МОДЕЛЬ КОНЦЕПТА «ГОСТЕПРИИМСТВО»

А.А.Заримбетов – докторант

Нукусский государственный педагогический институт имени Ажсинияза

Таянч сўзлар: меҳмондорчилик, меҳмондўстлик концепти, когнитив модель, лингвокультуроология, меҳмондўстлик рамзлари.

Ключевые слова: угощение, концепт гостеприимство, когнитивная модель, лингвокультуроология, символика гостеприимства.

Key words: treat, hospitality concept, cognitive model, linguoculturology, symbolism of hospitality.

В центре внимания современного лингвокультурологического направления в лингвистике оказались традиционные вопросы, имеющие непосредственное отношение к взаимодействию языка и культуры. Вопрос о соотношении языка и культуры чрезвычайно сложен. Современные лингвокультурологи Н.Л.Арутюнова, В.В.Воробьев, В.А.Маслова, З.Д.Попова, Ю.С.Степанов, И.А.Стернин, В.Н.Телия и др., базируясь на классических теориях взаимоотношения и взаимодействия языка и культуры, развивают, переосмысливают, уточняют представления о языке как элементе лингвокультурного комплекса и о роли в нём языка. В результате такого интерактивного процесса языковые единицы становятся единицами культуры и тем самым начинают служить средством передачи её установок. Они считают в качестве основной единицы изучения лингвокультурологического подхода лингвокультурный концепт.

В данной статье рассматривается лингвокультурный концепт «гостеприимство» в русском и каракалпакском языках, приводится анализ сценария «угощение» гостя как важная когнитивная модель данного концепта. Концепт «гостеприимство» в плане выражения представлен целым рядом своих языковых реализаций, образующих соответствующую лексико-семантическую парадигму. Он реализуется в своих прямых номинациях, в лексической семантике, и основным средством исследования будет построение концептуальной модели, с помощью которой выделяются базовые компоненты семантики концепта и выявляются устойчивые связи между ними [4:29].

Концепт «гостеприимство» можно считать универсальным, общечеловеческим, но практический материал показывает, что различной в языках является структура когнитивных моделей, репрезентирующих данный концепт.

Каждый концепт, выраженный вербальными средствами, имеет свою собственную, детерминированную его значениями семантическую форму, которая характеризуется этнокультурной обусловленностью, поскольку в ней выражены все коннотативные, модальные, эмоциональные, экспрессивные, прагматические и иные оценки. Отсюда следует, что анализ каждого концепта индивидуален, так как индивидуальна и специфична его история [1:14].

Приступая к концептуальному исследованию концепта «гостеприимство», необходимо определить полное значение данного концепта в исследуемых языках. В результате анализа значения слово гостеприимство в толковых словарях русского (Д.Н. Ушакова, С.И. Ожегова) и каракалпакского (Каракалпак тилинин түсиндирме сөзлиги II-том) языков, мы пришли к обобщенному выводу, что гостеприимство как «готовность и

желание принимать гостей, радушие и доброта по отношению к гостям, щедрости в угощении».

В семантическом плане исследования концепта «гостеприимство» можно выделить два семантические компоненты:

1. гостеприимство – это ценностное и нравственное качество человека или социальной группы;

2. гостеприимство – это норма поведения человека, внешне выражаемая в проявлении радости, радушия, дружелюбия, щедрости по отношению к гостю.

Концепт «гостеприимство» совмещает в себе чувственные элементы, проявляющиеся в поведении действующих лиц, а именно: радушие, открытость, симпатия, дружелюбие, а также рациональные элементы: приглашение, встреча, угощение, развлечение и др. Структура концепта «гостеприимство» объединяет динамические и статические элементы, которые представляются во фреймовых моделях и сценариях.

Анализ концепта «гостеприимство» в русском и каракалпакском языках помог нам выделить несколько когнитивных моделей: «встреча гостей», «пригласить гостей на стол», «угощение», «развлечение», «проводы гостей». Ядром данных моделей является сценарий «угощение» гостей.

Обряд угощения гостей является одним из наиболее важных во всех культурах. «Еда» является своеобразным этническим знаком, одним из видов овеществленного мировоззрения. «Угощение» для гостей как следящая степень в развитии концепта «гостеприимство» представляет собой как культурный феномен, отражающую национально-культурную специфику каждого народа. По традициям у обоих народов хозяин дома угощал гостя самыми изысканными и богатыми блюдами и напитками.

Результаты анализа практического материала показали, что каракалпакское словосочетание **қонақ асы** означает специальное угощение для гостей и состоит из двух слов «гость» и «пища». «Накормить гостей» значит қонақ асын беріу (досл. дать специальное угощение гостю). Примеры из художественных текстов: *Қудаларды күтіуге сениң шамаң келмейди, қонақ асыңды өзим-ақ берейин* (К.Султанов «Әжинияз»). Существует синоним к данному примеру слово **қоналқа**, что тоже означает специально приготовленное угощение для гостей. *Қоналқа етип қанаққа, қой семизин сойдырды....* («Қыркыз»).

Процесс угощения гостя в русской языковой картине мира передается словами и словосочетаниями «угощение» пример из художественного произведения: *Милости прошу отвратить угощения нашего небогатого. Уж не обессудьте, чего Бог послал. А дед сам себе в бороду: – Проходите, будьте ласковы, проходите!* (В.П. Астафьев «Последний поклон»); «**накрыть стол**»: *Именинник встречал гостей на крыльчке. Шум-*